

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.10862518>

## ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИ КАФОЛАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ

**Негматова Ситора Шухрат кизи,**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси 3-босқич таянч докторанти

E-mail: [sitora.shuhratqizi@mail.ru](mailto:sitora.shuhratqizi@mail.ru)

### **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти кафолатлари ва уларнинг мазмуни, давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти кафолатларининг ҳуқуқий асослари ҳамда уларнинг ривожланиши, давлат фуқаролик хизматида қонунийликни ва самарадорликни таъминлаш масалалари таҳлил этилган. Шунингдек, давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.*

***Таянч сўзлар:** давлат фуқаролик хизмати, давлат фуқаролик хизматчиси, мансабдор шахс, давлат фуқаролик хизматида кафолатлар, принцип, қонунийлик, жавобгарлик, манфаатлар тўқнашуви.*

## РАЗВИТИЕ ПРАВОВОЙ ОСНОВЫ ГАРАНТИЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ СЛУЖАЩИХ

**Негматова Ситора Шухратовна,**

Докторант 3-го курса Академии государственного  
управления при Президенте Республики Узбекистан

E-mail: [sitora.shuhratqizi@mail.ru](mailto:sitora.shuhratqizi@mail.ru)

### **АННОТАЦИЯ**

*В статье анализируются гарантии деятельности государственных служащих и их содержание, правовые основы гарантий деятельности государственных служащих и их развитие, вопросы обеспечения законности и эффективности на государственной гражданской службе. Также разработаны предложения, направленные на совершенствование правовых гарантий государственных гражданских служащих.*

**Ключевые слова:** государственная гражданская служба, государственный служащий, должностное лицо, гарантии, принцип, законность, ответственность, конфликт интересов на государственной гражданской службе.

### **DEVELOPMENT OF THE LEGAL FRAMEWORK OF GUARANTEES FOR THE ACTIVITIES OF CIVIL SERVANTS**

**Negmatova Sitora Shukhratovna,**

3rd year Doctoral student of the Academy of Public Administration  
under the President of the Republic of Uzbekistan

E-mail: [sitora.shuhratqizi@mail.ru](mailto:sitora.shuhratqizi@mail.ru)

### **ABSTRACT**

*In this article analyzes guarantees for the activities of civil servants and their content, the legal basis for guarantees for the activities of civil servants and their development, issues of ensuring legality and efficiency in the state civil service. Proposals have also been developed aimed at improving the legal guarantees of state civil servants.*

**Key words:** state civil service, civil servant, official, guarantees, principle, legality, responsibility, conflict of interest in the state civil service.

## КИРИШ

Мамлакатимизда давлат фуқаролик хизматини ислоҳ қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат бошқарувини самарали ташкил этишнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.[1] Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.[2] Ушбу принципиал норма давлат хизматчилари фаолиятининг бош мақсад ва мазмунини белгилаб беради.

Бундан ташқари, давлат фуқаролик хизматчилари фуқароларга давлат хизматларини амалга ошириш ҳамда давлат бошқарувини амалга оширишнинг муҳим омилidir. Ҳар қандай давлат ўз олдида қўйган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда уларга таянади. Шу боис давлат ҳокимиятнинг мустақамлиги, барқарорлиги ҳамда самарадорлиги унда фаолият кўрсатаётган хизматчиларнинг профессионалик даражаси ва компетенцияларига боғлиқдир.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамлакатимизда давлат фуқаролик хизматчилари умуман барча турдаги давлат хизматчилар фаолиятидаги самарадорлик уларни ишончли ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилинганлик даражасига боғлиқ эканлиги, давлат фуқаролик хизматчиларининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимининг мазмун-моҳияти ва мазкур кафолатларнинг механизмлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари ва давлат фуқаролик хизматчилари ҳуқуқий мақомини ҳисобга олган ҳолда тизимли таҳлил, анализ, синтез, таққослаш, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, ҳуқуқий, мантиқий таҳлил ва бошқа бир қанча тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

Миллий ҳуқуқшунослик фанимизда давлат хизматчилари ҳуқуқий мақомини, кафолатлар тизимини ўрганишга оид илмий тадқиқотлар нисбатан кам амалга оширилганлигини кўзатиш мумкин. Бунинг асосий сабаби сифатида мамлакатимизда давлат хизмати муносабатларини тартибга соладиган ягона қонуннинг қабул қилинмаганлигини келтириш мумкин. Бироқ, давлат хизмати

ва ушбу хизматда фаолият юритадиган хизматчиларнинг фаолияти бир қанча қонунчилик ҳужжатлари билан тиртибга солинади.

Мазкур йўналишда илмий тадқиқот олиб борган Н.Ш.Саид-газиеванинг фикрича: “Давлат хизматчиси фақат муайян давлат лавозимини эгаллаб турган оддий ходимгина бўлмай, балки у давлат номидан, унинг топшириғига биноан ва унинг манфаатлари юзасидан иш кўрадиган, ўз меҳнатига давлат бюджетидан тегишли ҳақ оладиган шахс, давлат тимсоли, давлат манфаатларининг моддий, сиёсий ва маънавий-ахлоқий ифодачиси ва ҳимоячиси ҳисобланади.” [3] Ушбу таърифда муаллиф давлат хизматчисининг давлат манфаатига хизмат қилишига алоҳида урғу берган. Ваҳоланки, давлат органининг ҳам давлат хизматчиларининг ҳам мақсади халқ ва инсон манфаатини ифода этишдир. Шу боис, сўнги йилларда олиб борилаётган илмий тадқиқотларда давлат хизматчиларинг халқ манфаатлари ифодачиси эканлигига эътибор қаратилмоқда [4].

Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида **“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”** деган муҳим конституциявий тамойилни жорий этишга устувор аҳамият бераётганликлари давлат хизматида ушбу ғоянинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилди.

Ушбу йўналишда тадқиқот олиб борган Ф.У.Юлдашевнинг фикрича: “Давлат фуқаролик хизматчиси – ўн саккиз ёшга тўлган, тегишли малакага эга, давлат томонидан тўланадиган (маош) ҳақ эвазига ўз фаолиятини Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимларда амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади” [5].

Чунончи, ушбу муаллифнинг давлат фуқаролик хизматчиси ҳақидаги мазкур таърифни шакллантиришда 2019 йил 3 октябрда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида

кадрлар сиёсати ва давлат хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони [6] ва “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори муҳим ўрин тутган. Чунки ушбу Фармонда илк бор ўз фаолиятини Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимларда амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқароси давлат фуқаролик хизматчиси ҳисобланиши белгилаб берилди.

Умуман олганда, давлат фуқаролик хизматчиси қонуний асосда давлат бюджетидан ўз меҳнати ва хизматлари учун ҳақ оладиган, давлатнинг вазифа ва мажбуриятларини амалга ошириш зиммасига юкланган, муайян компетенцияларга эга фуқаролар ҳисобланади.

Ушбу мақоламизда давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг кафолатларини тизимли кўриб чиқишни мақсад қилган эдик. Шу боис, кафолат тушунчасига тўхталиб ўтиш жоиз. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “кафил” тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра кафил бирор нарсага ёки бирор кимса ҳақида бошқаларни ишонтириб, масъулиятни, жавобгарликни ўз устига олувчи, кафолат берувчи шахс тушунилади. “Кафолат” эса кафил бўлувчи нарса, шахс маъноларида қўлланилади [7]. Умуман олганда? кафолат бу – масъулиятни, жавобгарликни ўз устига олган ҳолда ишонтириш, таъминлаш деган маънони англатади.

Шу ўринда давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг кафолати тушунчасини аниқ белгилаб олшимиз лозим. Ушбу мавзуда тадқиқот олиб борган Г.А.Малышева давлат фуқаролик хизматида давлат кафолатлари механизмларини жорий этиш давлат хизматчиларининг ўз хизмат мажбуриятларини юқори профессионалик асосида бажариши ҳамда мотивациялашни таъминлайдиган комплекс ташкилий, ижтимоий ва ҳуқуқий чоралар тизими эканлигини ўринли қайд этади [8]. Ушбу чоралар тизими давлат

фуқаролик хизматчиларининг ўз ваколатларини самарали амалга оширишга ва қўйилган мақсадларга эришишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Шундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг кафолати деганда уларнинг самарали фаолият кўрсатишларини таъминлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий чора-тадбирлар тизимини тушуниш мумкин.

Давлат фуқаролик хизматчилари давлат номидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини таъминлайди. Ўз навбатида давлатга тегишли хизматчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳам давлат томонидан кафолатланган. Давлат хизматчилари умумий асослардаги кафолатлардан ташқари махсус кафолатларга ҳам эга. Бу давлат хизматининг жамиятдаги нуфузини оширишни ҳамда унинг жозибадор фаолият (хизмат) сифатида гавдаланишига хизмат қилади.

Давлат хизматчилари фаолиятининг кафолатлари ҳақида ҳуқуқшунос Х.Т.Азизов давлат хизматчиси ва давлат органи давлат хизмат муносабатларининг муҳим томонлари эканлигини қайд этади. Унга кўра, “Давлат органи ҳамда хизматчи ўртасида меҳнат шартномаси тузилиб, унга кўра, хизматчи давлат органининг ваколатларини, давлат функцияларини бажаради, давлат қурилишининг маълум мақсадларига эришиш учун махсус вазифаларни ҳал этади, давлат (давлат органи) эса, ўз навбатида, хизматчи олдида: унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ўрнатади ва таъминлайди, ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлар, жавобгарлик, пул маблағлари билан таъминлаш каби мажбуриятларга эга бўлади” [9].

## НАТИЖАЛАР

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишга оид муҳим конституциявий ҳуқуқ белгилаб берилди. Улардан бири ҳар кимнинг давлат хизматида эркин кира олиш ҳуқуқидир. Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 37-моддасида “**Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат хизматида киришда тенг ҳуқуққа эгадирлар. Давлат**

хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар қонун билан белгиланади”,[11] деб белгилаб қўйилди. Ушбу янги норма фуқароларнинг ўз танлови ва қобилиятларига кўра давлат хизматиغا кириш ва касбий юксалишлари учун кенг имкониятларни тақдим этади. Афсуски, амалдаги Конституциямизда фуқароларнинг давлат хизматиغا киришга бўлган сиёсий ҳуқуқлари белгиланмаган.

Мамлакатимизни ривожлантириш бўйича келгусидаги ишларимизда ҳам ушбу норма муҳим йўналтирувчи куч бўлиб хизмат қилади. Яъни давлат хизматиغا кирган фуқаролар аввало халқпарвар, ватанпарвар бўлмоғи зарур. Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Аслида эса, аввало, инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва бахт-саодати, барча давлат органлари фаолиятининг энг устувор мақсади бўлиши лозим. Жамият қурилиши ва давлат сиёсати ана шу ғояга таяниши ҳамда “**Давлат – инсон учун**” тамойили асосида ташкил этилиши даркор”, деб ҳақли равишда таъкидлайдилар.[11] Бинобарин, давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи ва соҳиби халқ ҳисобланади.

2023 йилда давлат хизматининг ихчамлаштириш мақсадида давлат хизматчилари сонини босқичма-босқич 30-35 фоизга қисқариш, иқтисод қилинадиган маблағлар ижтимоий масалаларга йўналтириш ислоҳоти амалга оширилди. Бунинг асосий сабаби сифатида давлат хизматлари кўрсатишни рақамлаштириш имкониятларининг ривожланиб бориши ва давлат вазифа ва функцияларини оптималлаштириши билан изоҳлаш мумкин.

Эътиборлиси, давлат хизматчиларининг зиммасидаги масъулият асло камайгани йўқ. Аксинча масъулият ошиб, иш ҳажми ҳам ошиши мумкин. Бундан шароитда давлат хизматчиларининг меҳнатини адолатли ташкил этиш, давлат органларида иш вақти ва меҳнат меъёрларига амал қилинишини таъминлаш, давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини самарали йўлга қўйиш ҳамда улар ўртасида коррупцияга йўл қўймаслик долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Ушбу мақсадларга эришишда давлат

хизматчиларини муносиб ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимоя билан таъминлаш долзарб аҳамиятга эга.

### **МУҲОКАМА**

Давлат ҳокимиятнинг мустақкамлиги, барқарорлиги ҳамда самарадорлиги унда фаолият кўрсатаётган хизматчиларнинг профессионаллик даражаси ва компетенцияларига боғлиқдир. Давлат хизматчилари давлат номидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини таъминлайди. Ўз навбатида давлатга тегишли хизматчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳам давлат томонидан кафолатланади.

Шу ўринда давлат хизматчиларининг ҳуқуқий ҳимояси ҳақида сўз юритар эканмиз, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунининг 52-моддасида белгиланган давлат фуқаролик хизматчиси давлат органининг қонунга хилоф қарорлари, шунингдек улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи давлат органига ёки махсус ваколатли давлат органига ёхуд судга шикоят қилишга ҳақли эканликлари тўғрисидаги нормага алоҳида эътибор қаратиш лозим [12]. Ушбу қоида билан давлат фуқаролик хизматчиси раҳбарнинг ноқонуний топшириғини бажармаслик, ўзига нисбатан чиқарилган қарорлар устидан юқори турувчи орган ва ваколатли орган (Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги) ёхуд судга мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланган. Бу эса, ходимларнинг хизмат муносабатларида низоли ҳолатлар юзага келганда (масалан, ноқонуний интизомий жазо чорасини қўллаш, фаолиятни нотўғри баҳолаш, лавозимдан четлатиш, танлов ва этика комиссияси хулосаларидан норози бўлиш ва ҳоказо) давлат фуқаролик хизмати билан кафолатланган ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имконини беради.

Давлат органининг қонунга хилоф қарорлари, шунингдек улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида давлат фуқаролик хизматчисининг бузилган, низолашилаётган ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон



Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда амалга оширилади. Давлат фуқаролик хизматчисига етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш билан боғлиқ низолар фуқаролик процессуал қонунчилик билан белгиланган тартибда ҳал этилади.

Қонунда белгиланганидек, давлат фуқаролик хизматчисини бошқа давлат фуқаролик хизмати лавозимига ўтказиш унинг ёзма розилиги билан амалга оширилади. Тиббий хулосага асосан соғлиғининг ҳолатига кўра, ўз эгаллаб турган лавозими бўйича хизмат мажбуриятларини бажара олмайдиган давлат фуқаролик хизматчисига унинг ёзма розилиги билан касбий компетенцияларига мос бўлган ва соғлиғининг ҳолати бўйича қарши кўрсатма мавжуд бўлмаган бошқа давлат фуқаролик хизмати лавозими берилади.

Энди бевосита қонунчиликни таҳлил қилар эканмиз, давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти кафолатларининг кенг ва ранг-баранг эканлигини кўриши мумкин. Ушбу муносабатлар нафақат маъмурий қонунчилик, балки барча ҳуқуқ соҳаларида ҳам уларнинг манфаатларига таааллуқли нормалар мавжуд эканлигини кўриш мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексда давлат хизматчиси фаолитига оид ўнлаб нормалар келтирилган. Биргина мисол, Жиноят кодексининг 219-моддасида ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатганлик учун жавобгарлик мавжуд [13]. Бу ҳам давлат хизматчиси томонидан зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш жараёнидаги турли тўсиқларнинг олдини олишга хизмат қилади. Унга кўра, қаршилик кўрсатиш, яъни хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш мазкур Кодексининг 219-моддасида кўрсатилган жазо чораларини қўллашга асос бўлади.

Давлат фуқаролик хизматчилари давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг муҳим омилidir. Ҳар қандай давлат ўз олдида қўйган мақсад ва вазифаларни

амалга оширишда уларга таянади. Шу боис давлат ҳокимиятнинг мустаҳкамлиги, барқарорлиги ҳамда самарадорлиги унда фаолият кўрсатаётган хизматчиларнинг профессионаллик даражаси ва компетенцияларига боғлиқдир.

## ХУЛОСА

Давлат хизматчилари давлат томонидан ҳуқуқий ҳимояланиши ўз навбатида улар хизмат фаолиятининг сифати ва натижадорлигини таъминлашга бевосита хизмат қилади. Ўз мазмунига кўра ҳуқуқий ҳимоя давлат хизматчилари ҳуқуқлари бузилиши ҳолатини олдини олиш ҳамда бузилган ҳуқуқларини тиклашларини таъминлайди. Таъкидлаш лозимки, давлат томонидан давлат хизматчиларига мустаҳкам ҳуқуқий ҳимоянинг кафолатланиши, давлат хизматини ўташда салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларни бевосита олдини олишга, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва натижадорликка эришишга хизмат қилади.

Шу билан бирга давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг кафолатларини янада кучайтириш ва улар фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Давлат хизмати ҳақидаги қонунчиликда давлат хизматчиларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга оид механизмлар (масалан, тиббий суғурта, ротация жараёнидаги ҳаражатлар)ни батафсил белгилаш жоиз;

2. Давлат хизматчиларини лавозимидан озод қилиш масалаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва тегишли равишда унинг филиаллари билан келишиш тартибини батафсил белгилаш мақсадга мувофиқ

Хулоса қилиб айтганда, давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг кафолатларини кучайтириш уларнинг меҳнатини самарали ташкил этиш ҳамда давлат фуқаролик хизматида янада малакали кадрлар корпусини шакллантиришга ёрдам беради. Шунингдек, фуқароларга кўрсатилдиган давлат хизматларининг сифатини оширишга ҳисса қўшади.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳ этишнинг ҳуқуқий асослари :давра суҳбати материаллари. - Тошкент : Vaktria press, 2015. - 156 б.
2. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон
3. Саид-газиева Н.Ш. Ўзбекистонда давлат хизматини ислоҳ қилишнинг назарий ва амалий муаммолари: Юрид. фан. докт. ... дисс. 2010. – Б. 260.
4. Ўзбекистон Республикасида давлат фуқаролик хизматини такомиллаштириш масалалари. Монография / Х.Азизов, Х.Хайитов, Ш.Асадов, А.Йўлдошев, Д.Бекчанов, Ф.Юлдашева. – Тошкент: 2020. – 369 б
5. Юлдашева Ф.У. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматига кириш ва ўташнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш: Юрид. фан. фалс. докт. дисс. автореф. – Тошкент: 2021. – Б. 20.
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 07/19/4472/3906-сон.
7. Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 336.
8. Мальшева Г.А. Государственные гарантии гражданских служащих: современное административно-правовое регулирование и направления совершенствования: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Воронеж, 2012. – С. 16..
9. Азизов Х. Кадрлар сиёсати ва давлат хизматчиларини тайёрлаш: замонавийлик, тизимлилик, самарадорлик. / – Тошкент: Жамият ва бошқарув журнали. – 2018. – Б. 41
10. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
11. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 66..
12. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-788-сон Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.08.2022 й., 03/22/788/0723-сон.
13. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон.